



ТАСДИҚЛАЙМАН
“Шуртан ГКМ” МЧЖ
Бош метрологи


“14”
 X. Махмудов
2023 й.

“zbekneftgaz” A.
“Shurtan gaz kimyo majmuasi” MCHJ
MTRB xizmati
RO'YXATGA OLINDI
0741 048-3422
2023 yil "14" 08

“Шуртан ГКМ” МЧЖ
эхтиёжи учун

электрон тарози харид қилишга
ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1 Номи
Электрон тарози.
1.2 Ускуналарнинг сотиб олинишининг асоси ва мақсади
Асос: 2023 йил учун йиллик буюртма. Мақсад: Оқова сувларни тозалаш цехи кимёвий реагентлар хўжалигида тайёрланадиган кимёвий реагентларнинг сарф миқдорини ҳисобини олиб бориш.
1.3 Янгилigi тўғрисида маълумот (жиҳознинг ишлаб чиқарилган йили)
Электрон тарози янги, 2022 йилдан сўнг ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ


Кимёвий эритмаларни тайёрлаш учун кимёвий реагентларни тортиш ва оқова сувларни тозалаш иншоотларида ишлатиладиган кимёвий реагент қолдиқларини ҳисобга олиш учун.

3. ҲОЙДАЛАНИШ ШАРОИТЛАРИ

3.1 Умумий фойдаланиш шароитлари
Электрон тарозининг ишлаши ишлаб чиқарувчи заводнинг техник хусусиятлари асосида амалга оширилади.
3.2 Жиҳоздан фойдаланиш харажатларига қўйиладиган талаблар
Электрон тарозидан фойдаланиш муддати давомида кўшимча харажатлар талаб қилмаслиги керак.

4. ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

4.1 Асосий техник талаблар	
Энг юқори ўлчаш чегараси	100 кг
Энг паст ўлчаш чегараси	0,4 кг
Аниқлилик синфи	III
Вазни ўлчаш платформасининг ўлчами, камида	300×400 мм
Вазни ўлчаш платформаси ва терминал устунинг материали	Зангламайдиган пўлат
Корпус материали	Металл
Ишлаш ҳарорат оралиғи	-10 ⁰ С дан +45 ⁰ С гача
Дисплей	6 та рақам кўрсатиш
Дисплей ўлчами	110×35 мм
Оғирлиги, камида	15 кг
Қувват олиши учун электр таъминоти	220 В 50 Гц
4.2 Ишончилилик талаблари	
4.1 бандига асосан жиҳоз кафолат муддати давомида нуқсонларсиз	



ишлаши керак.
4.3 Тайёрланиш материалларига талаблар
4.1 бандига асосан ишлаб чиқарувчи заводнинг техник ҳужжатларига асосан.
4.4 Атроф муҳит омилларига таъсирга барқарорлик ва фойдаланиш параметрларига талаблар
Товар 4.1 банддаги шароитларда фойдаланилганда кафолат муддати давомида барқарор ишлаши керак.
4.5 Ёрликқа талаблар
Маҳсулот қадоғида мазкур маҳсулот типига қўйиладиган талаблар бўйича тайёрланган ёрлик бўлиши лозим. Ёрликда қуйидаги ёзувлар бўлиши керак: Ишлаб чиқарган давлат номи; Ишлаб чиқарган корхона номи; Ишлаб чиқарган корхона ёки сотувчининг юридик манзили, товар белгиси (мавжуд бўлганда); Модель номи; Ишлаб чиқарилган санаси; Бошқа маълумотлар.
4.6 Ўлчами ва қадоқлашга қўйиладиган талаблар
Товар ўлчами 4.1 бандига асосан. Товар ишлаб чиқарувчининг қадоғига қадоқланиши керак. Қадоқ йўлда ташилишида ва бир неча марта транспортга алмаштирилишида товарга нуқсон етказилишидан ҳимоя қилиниши лозим. Нотўғри қадоқлаш туфайли товарга етказилган зарар учун етказиб берувчи жавобгар ҳисобланади.

5. ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЛАБЛАР

5.1 Топшириш ва қабул қилиш тартиби
Товар кириш назорати натижаси бўйича қабул қилинади. Кириш назоратида товарнинг бутлиги, ташқи кўриниши ва ишлаши текшириб кўрилади ҳамда тегишли далолатнома расмийлаштирилади. Кириш назорати вақтида товарнинг сифати/бутлиги бўйича камчиликлар аниқланганда буюртмачи киришни дарҳол тўхтатиши ва етказиб берувчини ёзма равишда 5 иш куни ичида огоҳлантириши лозим. Етказиб берувчи 10 иш кунидан ошмаган муддатда ўз вакилининг буюртмачи омборига етиб келишини ва кириш назоратида иштирокини таъминлаши шарт.
5.2 Жихозни етказиб беришда буюртмачига техник ва бошқа ҳужжатларни топширишга қўйиладиган талаблар
Товарга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим: - мувофиқлик сертификати; - товар номи, нархи ва жами суммаси кўрсатилган сотувчининг ҳисобварақ-фактураси (инвойс); - ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган сифат сертификати.



- товарнинг техник паспорти;
- кафолат талони;
- фойдаланиш учун қўлланма.

6. САҚЛАШГА ТАЛАБЛАРИ

Товар қуруқ ҳолда сақланиши, уларнинг бузилиш ва ифлосланишидан сақланиши таъминланиши керак.

7. КАФОЛАТ ҲАЖМИ ВА ЁКИ МУДДАТИГА ТАЛАБЛАР

Товарнинг кафолатлилиқ муддати 3 йил.
Кафолат товарнинг барча қисмлари учун берилади.
Етказиб берувчи ишлаб чиқарувчи заводдан ёки унинг расмий вакилидан (дистрибюторидан) сифатли товар етказиб бериши керак. Кафолат муддати давомида товар ишдан чиқса, етказиб берувчи ўз ҳисобидан таъмирлаш ёки алмаштиришга мажбурдир.

8. ТАЪМИРЛАШ ЯРОҚЛИЛИГИГА ТАЛАБЛАР

Товар ва унинг асосий ташкил этувчи қисмларининг таъмирлаш имконияти мавжуд бўлиши керак.

9. ЭКОЛОГИК ВА САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИ

Товардан фойдаланишда қуйидагилар таъминланиши керак:
-товарни ишлатишда, сақлашда, шунингдек уларни утилизация қилишда хавфсиз бўлиши керак;
-товар атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.
Товарнинг экологик ва санитария талаблари Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонун талабларига жавоб бериши керак.

10. ХАВФСИЗЛИК ТАБЛАРИ

Товарнинг хавфсизлик талаблари Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонун талабларига жавоб бериши керак.

11. СИФАТ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИГА ТАБЛАРИ

Товар ушбу техник топшириқда кўрсатилган барча техник талабларга ва параметрларга тўлиқ жавоб бериши керак.



12. МИҚДОРИ, БУТЛИГИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЖОЙИ ВА МУДДАТЛАРИГА (ДАВРИЙЛИГИГА) ТАЛАБЛАР

Товар миқдори:

Электрон тарози HD - 1 дона

Зарядлаш учун адаптор - 1 дона

Етказиб бериш манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шуртан шаҳарчаси, 180300

Ишлатилиш манзили: Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, ШГКМ МЧЖ

Ишлаб чиқди:

ОСТ цехи бошлиғи:

Х. Аминов

Келишилди:

Ишончилиликни бошқариш
хизмати бошлиғи:

Т. Диёров

МТРБ хизмати бошлиғи:

Т. Восиев

МТРБ хизмати муҳандиси:

Ш. Низомов

